2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 263 (785), 2022 йил 27 декабрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан ўтказилган МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.**

Саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян ҳам қатнашди.

Учрашувда жорий йилдаги ҳамкорлик якунлари сарҳисоб қилиниб, бўлажак 2023 йил учун устувор вазифалар муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон МДҲ доирасидаги ҳамкорликни уч йўналишда: сиёсат ва хавфсизлик борасида, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ривожлантирмоқда.

МДҲ маконида тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш устувор вазифалардир.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, озиқ-овқат, энергетик ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган миллий дастур ва стратегияларни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштирокини фаоллаштирди, 40 дан ортиқ кўп томонлама битимларни имзолади ҳамда МДҲнинг 23 та тармоқ органига қўшилди.

2022 йилда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан товар айирбошлаши учдан бир ҳиссага ортди, 1 мингдан зиёд қўшма корхоналар ташкил этилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ВА ТРАНСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ВИЛОЯТНИ “САМАРҚАНД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ДАРВОЗАСИ” КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Самарқанд вилоятига хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, янги туризм инфратузилмаси объектлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, янгидан модернизация қилинган Самарқанд халқаро аэропортида хорижий авиаташувчи компаниялар учун барча имкониятларни яратиш, ҳududнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва диверсификация қилиш мақсадида:

1. 2021 йил 30 ноябрь — 3 декабрь кунлари Испания Қироллигининг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 24-сессиясида 2023 йилда **Бош Ассамблеянинг навбатдаги 25-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда “Ҳунарманд” уюшмасининг:

республика ҳудудларида ва хорижий мамлакатларда Самарқанднинг туризм салоҳияти ҳамда Самарқанд халқаро аэропорти (кейинги ўринларда — Аэропорт) имкониятларини намойиш этувчи **“Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси”** тарғибот кампаниясини йўлга қўйиш;

Самарқанд вилоятини авиа, темир йўл ва автомобиль транспорти билан боғланган ҳамда Аэропортни республика ҳудудлари билан боғлаш имконини берувчи **йирик транспорт-логистика хабига** айлантириш;

Аэропортда хорижий авиаташувчилар учун **муқобил жойлаштириш (базировка) тизимини** жорий қилиш;

Самарқанд вилоятидаги туристик объектларнинг фаолиятини **қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини** йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ГИМНАСТИКА СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ўртасида гимнастика спорт турлари (спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин, акробатика) оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида профессионал спортчиларни тайёрлаш орқали миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар гимнастика спорт турларини ривожлантиришнинг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида гимнастика спорт турларининг **оммавийлигини ошириш**, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг гимнастика спорт турлари билан **шуғулланиши учун кенг имкониятларни яратиш** ва уларда ушбу спорт турлари бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантириш;

умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия дарсларида гимнастика спорт турлари бўйича **машғулотларни босқичма-босқич кўпайтириш** ҳамда машғулот ва тўгараклар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш;

гимнастика спорт турлари бўйича профессионал **тренерлар**, малакали **ҳакамлар** ва **мутахассисларни** тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда видеоматериаллар ишлаб чиқиш;

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## КЎЗЛАГАН МАРРАЛАРИМИЗГА, АЛБАТТА ЕТАМИЗ!

*(Тараққиёт стратегиясининг илк йили натижалари)*

**Инсон қадри ва уни улуғлаш 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси туб моҳияти ва пировард мақсадини ташкил этади. У еттита устувор йўналишдан иборат. Лекин мазкур ҳужжат ўта кенг қамровли бўлгани учун битта мақолада унинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиш қийин. Шу боис, мақоламизда Тараққиёт стратегиясининг иккита, яъни миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари бўйича 2022 йилга мўлжалланган вазифалар қай даражада бажарилаётгани ҳақида фикр юритамиз.**

Давоми 4-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ УЧУН МАХСУС

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР

### ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УЛАР ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛИШИ БИЛАН КАТТА ЭЪТИБОРГА САЗОВОРДИР

**Ўзбекистон Президентининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабарти давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳақидаги фикрларини билдирди.**

— Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасида муҳим ислоҳотлар эълон қилинганидан жуда мамнунмиз.

Давлат раҳбарининг маъмурий ислоҳот бошланганини маълум қилгани ниҳоятда муҳим воқеа бўлди. Бу бутун давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш учун жиддий сигналдир. Бизга маълумки, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам давлат бошқарувини ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиш ва жамиятни ўзгартиришнинг асосий омили бўлгани ҳолда, ўтиш даврининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистон ҳам худди шундай йўлни танлади ва Президент Шавкат Мирзиёев давлат аппарати тизими амалдаги 61 та идорадан 28 тага қисқартирилиши тўғрисида эълон қилганига гувоҳ бўлишдан беҳад хурсандмиз.

Гап фақат вазирлик ва идоралар сонини қисқартириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бир-бирининг функцияларини такрорлашни тўхтатиш ҳақида кетмаяпти. Буларнинг барчаси мазкур ташкилотлар фаолияти улар зиммасига юклатилган долзарб вазифаларнинг амалий бажарилишига қаратилиши билан катта эътиборга сазовордир.

Бошқа кўплаб мамлакатларда давлат бошқаруви тизими янги воқеликка мослаша олмагани учун ислоҳотлар унчалик муваффақиятли бўлмагани кузатилди. Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотларни иқтисодий ислоҳотлар билан уйғунликда амалга ошириш учун реал имконият мавжуд. Бу жуда муҳим жиҳат. Натижада шундай қарорлар қабул қилиш ва ислоҳотларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ фаолият юрита оладиган давлат бошқаруви тизими пайдо бўлади.

Президент эълон қилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат бошқаруви тузилмасини ўзгартириш ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар билан параллел равишда амалга оширилиши керак. Биз бизнес жараёнлари олиб борилишини ўзгартиришимиз, давлат органлари салоҳиятини кучайтиришимиз зарур. Шунингдек, Президент белгилаб берган учта устувор йўналиш, яъни таълим, соғлиқни сақлаш ва сув таъминотига эътибор қаратишимиз шарт. Мамлакат фуқаролари бу соҳалардаги ўзгаришларни кўришни истайди ва шунинг учун ҳам Президент ушбу муҳим соҳаларга эътибор қаратди. Ҳар учала йўналишда илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш учун Стратегик ислоҳотлар агентлиги таркибида махсус бўлим ташкил қилинади.

Шунингдек, истиқболли давлат хизматчилари дунёнинг етакчи таълим муассасаларига ўқув курсларига юборилади. Булар салоҳиятни, жумладан, давлат бошқаруви сектори имкониятларини оширишга қаратилган дастурлар бўлади. Бу соҳалар Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг тамал тоши ҳисобланади. Ўзбекистон давлат органлари вакиллари учун ўқув курслари ўтказадиган Давлат бошқаруви академиясининг ислоҳотини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Давлат бошқаруви билан бир қаторда суд-ҳуқуқ тизимини ҳам ислоҳ қилиш режалаштирилган. Бу ҳақда Президент ўз Мурожаатномасида маълум қилди. Давлат раҳбари Ўзбекистонда Халқаро тижорат суди ташкил этилиши ҳақида ҳам гапирди. Бу эса, шубҳасиз, халқаро сармоядорларга ҳар қандай тижорат низоларини халқаро стандартлар асосида ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида ишонч беради.

**“Дунё” АА**

*Лондон*

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ГИМНАСТИКА СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**спорт-таълим муассасаларининг** моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, республикада гимнастика спорт турлари учун зарур бўлган спорт жиҳозлари ва инвентарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

**қизлар ўртасида** эрта ёшдан гимнастика спорт турларини оммалаштириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**Олимпия** ва **Осиё** ўйинлари, **жаҳон** ва **Осиё** чемпионатларига гимнастика спорт турлари бўйича миллий терма жамоа спортчиларини тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситаларида **соғлом турмуш тарзининг** муҳим таркибий қисми сифатида гимнастика спорт турларини тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда юқори даражали ахборотлаштиришни ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни таъминлаш.

2. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

мактабгача таълим ташкилотларида "**Гимнастикага илк қадам**" дастури;

умумий ўрта таълим мактабларида **бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган**, гимнастика спорт турлари бўйича спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳлари учун ишлаб чиқилган дастур асосида "**Болалар учун гимнастика**" дастури жорий қилинсин.

Белгилансинки:

а) **"Гимнастикага илк қадам"** дастури доирасида:

мактабгача таълим ташкилотларида гимнастикани оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш орқали тарбияланувчиларни мазкур спорт тури билан мунтазам **шуғулланишга жалб этиш**;

тарбияланувчилар организмини физиологик ривожлантириш бўйича мутахассис — шифокорлар томонидан тавсия этилган **спорт кўникмаларига тайёрлаш**;

болаларда гимнастика билан шуғулланишга кучли ва таъсирчан **мотивацияни шакллантиришга** катта эътибор қаратилади;

б) **"Болалар учун гимнастика"** дастури доирасида:

гимнастика билан **шуғулланиш истаги юқори бўлган ўқувчиларга эга** ҳамда **спорт заллари мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари** белгилаб олинади;

танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида гимнастика спорт турлари бўйича **дарсдан ташқари алоҳида спорт секцияларида** машғулотлар мактаб жойлашган ҳудуддаги спорт мактабидан жалб этилган тренерлар томонидан олиб борилади;

умумий ўрта таълим мактабларида гимнастика залларини ташкил этиш, мавжуд **гимнастика инфратузилмасини кенгайтириш ва жиҳозлаш учун инвестиция ва грантлар** жалб қилинади;

**ёшлар ўртасида** гимнастика спорт турларини **кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш**, уларда ушбу спорт турига қизиқишни ошириш, гимнастика бўйича мусобақаларни ўтказишга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

3. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) **2023/2024 ўқув йили**дан бошлаб:

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда гимнастика спорт турларини ўқувчилар ўртасида оммалаштириш бўйича танланган мактабларни видеодарсликлар, гимнастика гиламлари, жиҳозлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш учун **Халқ таълими соҳасида ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари** ҳисобидан ҳар йили зарур маблағларни йўналтирсин;

бошланғич синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия фанининг амалдаги ўқув дастурини қайта кўриб чиқиб, унинг асосий қисмини **гимнастиканинг соғломлаштирувчи элементлари** билан бойитсин.

4. Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин) Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни гимнастикага асосланган мунтазам жисмоний машқларга қизиқтириш ва шуғуллантириш бўйича **тўгараклар фаолиятини** тизимли йўлга қўйсин.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида биринчи босқичда **Нукус, Самарқанд** ва **Фарғона** шаҳарларида замонавий моддий-техникава ўқув-машқ базасига эга бўлган ҳудудий **Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари** (кейинги ўринларда — Гимнастика марказлари) ташкил этилсин.

6. Белгилансинки:

Гимнастика марказлари ушбу ҳудудлардаги гимнастика спорт турларига **ихтисослаштирилган спорт мактаблари негизида** ташкил қилинади;

Гимнастика марказлари фаолияти гимнастика спорт турлари бўйича қобилиятли ва иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ҳамда уларни **асосан терма жамоаларга номзод сифатида** тайёрлашга йўналтирилади;

Гимнастика марказлари юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган **давлат спорт-таълим муассасаси** ҳисобланади;

Гимнастика марказлари ўз фаолиятини **2024/2025** ўқув йилидан бошлайди;

Гимнастика марказлари ўқувчиларининг умумий контингенти жами **132 нафарни** ташкил этиб, улар **1-11-синф** ўқувчиларидан иборат бўлади;

Гимнастика марказлари ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш уларга **энг яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида** амалга оширилади;

Гимнастика марказларининг ўқув жараёни Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда тасдиқланган **ўқув режага** асосан амалга оширилади;

Гимнастика марказларининг ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган **11-синф** битирувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат намунасидаги диплом берилади;

Гимнастика марказларини битирганлик тўғрисидаги **диплом** берилган мутахассислик (тренер, тренер-селекционер) бўйича **меҳнат фаолиятини амалга ошириш** ёки таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради;

Гимнастика марказлари ўқувчиларини **овқатлантириш** харажатлари **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Гимнастика марказлари директорлари, уларнинг спорт ишлари бўйича ўринбосарлари, тренерлари, йўриқчи-услубчиларига **Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари** учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Гимнастика марказлари директорларининг **маънавий-маърифий** ишлар бўйича ўринбосари ва **тарбиячилари** меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг **2005 йил 21 декабрдаги** "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги **275-сон** қарорига мувофиқ амалга оширилади;

Гимнастика марказлари **тиббиёт ходимлари** меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг **2005 йил 21 декабрдаги** "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги **276-сон** қарорига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришда Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

7. Қуйидагилар **Гимнастика марказларини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва Гимнастика марказлари уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) Гимнастика марказларини замонавий ва халқаро талабларга мувофиқ ташкил этиш (бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш) "Ўзавтосаноат" АЖнинг **ҳомийлик маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

б) Гимнастика марказларини халқаро стандартларга мувофиқ, замонавий **жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлаш** учун Спортни ривожлантириш вазирлигига Давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун ҳамда Гимнастика марказлари фаолиятини сақлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) Гимнастика марказларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, уларни инновацион технологияларга асосланган, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Спортни ривожлантириш вазирига Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси **маблағлари ҳисобидан** гимнастика спорт турлари бўйича малакали хорижий тренерлар, менежерлар, экспертлар ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, **уч ой муддатда** Гимнастика марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

10. Гимнастика спорт турлари оммавийлигини ошириш ҳамда спортчиларни энг қуйи бўғиндан бошлаб тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича **қуйидаги тизим жорий қилинсин**:

**мактабгача таълим ташкилотларида** — 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни жисмоний тарбия, айниқса, гимнастикага асосланган мунтазам жисмоний машқларга қизиқтириш ва шуғуллантириш орқали уларда ирода ва қатъиятлилик, шунингдек, ўзини тутиш каби ахлоқий ва жисмоний фазилатлар шакллантирилади;

**умумий ўрта таълим мактабларида** — 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўқувчилар учун жисмоний тарбия дарс машғулотларида гимнастика спортининг соғломлаштирувчи элементларидан фойдаланган ҳолда болаларда тана ривожланиши, мушаклар эгилувчанлиги, чаққонлик, чидамлилик ҳамда мувозанат ҳисси ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш кўникмаси каби жисмоний сифатлар шакллантирилади;

**спорт мактабларида** — "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ўтказилган оммавий спорт мусобақалари, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларидан гимнастика спорт турлари бўйича саралаб олинган болалар дастлаб спорт мактабининг спорт-соғломлаштириш гуруҳларида ҳаракатланиш қобилиятини кучайтириш ва ҳаракат фаоллиги танқислигини тўлдириш бўйича шуғуллантирилади.

Бунда, спорт-соғломлаштириш гуруҳида шуғулланган ёшлар аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган тақдирда, улар спорт мактабининг навбатдаги гуруҳларига босқичма-босқич ўтказиб борилади;

**Гимнастика марказларида** — таълим муассасаларида энг яхши натижа кўрсатган, спорт синовларидан муваффақиятли ўтган ва юқори иқтидорга эга бўлган ёшлар танлов асосида қабул қилиниб, гимнастиканинг ихтисослаштирилган турлари бўйича профессионал тарзда шуғуллантирилади ва улар ҳисобидан ҳудудий терма жамоаларга асосий номзодлар захираси шакллантирилади;

**Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабида** (кейинги ўринларда — Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактаби) — Гимнастика марказлари, шунингдек, бошқа таълим муассасаларидан спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика ва трамполин билан шуғулланувчи спортчиларни эришган натижалари асосида танлаб олиш орқали улар энг янги илмий-методик тавсия ҳамда ютуқлар асосида миллий терма жамоалар учун спорт захираси ва юқори даражали спортчилар сифатида тайёрланади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактаби — миллий терма жамоаларга гимнастика спорт турлари бўйича захира спортчиларни етказиб берувчи **базавий давлат спорт-таълим муассасаси** ҳисобланади;

Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактабида **7 ёш**дан **18 ёш**гача бўлган таълим олувчи ўқувчи-спортчиларнинг умумий контингенти **132 нафар**ни ташкил этган ҳолда, ўқиш муддати **11 йил** бўлиб, ҳар йили **12 нафар** иқтидорли ўқувчи-спортчи қабул қилинади;

Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактабини тўлиқ тамомлаган ўқувчи-спортчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **давлат намунасидаги диплом** берилади;

Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактабини битирганлик тўғрисидаги диплом берилган мутахассислик (тренер, тренер-селекционер) бўйича **меҳнат фаолиятини амалга ошириш ёки таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш** ҳуқуқини беради.

12. Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиалларида гимнастика бўйича амалдаги ўқишга **қабул қилишнинг давлат буюртмаси** параметрларини **икки бараварга ошириш** чораларини кўрсин.

13. Қуйидагилар:

**2023-2025 йилларда гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш бўйича "йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

**2023-2025 йилларда гимнастика спорт турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб анъанавий тарзда **гимнастика спорт турлари** бўйича Ўзбекистон Республикасида қуйидаги мусобақалар ўтказилади:

**гимнастрада** спорт тури бўйича хотин-қизлар ўртасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги**;

**бадиий гимнастика** бўйича ёшлар ўртасида "**Ёрқин юлдузча**" ва катталар ўртасида "**Grand Prix Uzbekistan**" халқаро турнири;

**спорт гимнастикаси** бўйича "**Духоба йўл**" халқаро турнири;

**трамполин** бўйича "**Самодан баланд**" халқаро турнири;

халқаро гимнастика кунига бағишлаб ўтказиладиган "**Gymnastics Day**" бутун Ўзбекистон оммавий форуми;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида **"Халқ таълими вазири кубоги"**;

гимнастика спорт турлари бўйича Халқаро гимнастика федерациясининг тасдиқланган норма ва қоидаларида белгиланган ёш тоифалари бўйича **уч босқичли** (туман/шаҳар, ҳудудий ва республика) чемпионатлар ва кубоклар.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режасини** тасдиқласин;

республикада ўтказиладиган халқаро турнирларда **маҳаллий гимнастикачилар** билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган халқаро гимнастикачилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

юқоридаги мусобақалар ва турнирларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) ушбу мусобақалар ва турнирларни **туристик маршрутлар объектлари рўйхатига киритсин**, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

15. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда гимнастика спорт турлари оммавийлигини ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб "**Беш ташаббус олимпиадаси**" доирасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари дастурига **гимнастрада** мусобақаларини киритсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда 2023-2024 йилларда босқичма-босқич ҳудудлардаги гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавжуд спорт иншоотларини машғулотлар учун **хавфсиз** ва **санитария меъёрлари** асосида **реконструкция қилиш**, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган **жиҳоз** ва **инвентарлар билан таъминлаш** чораларини кўрсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда **икки ой муддатда** гимнастика спорт турлари бўйича давлат спорт-таълим муассасаларида шуғулланувчи ўқувчи-спортчилар учун амалдаги суткалик **озиқ-овқат меъёрлари**, **жиҳоз** ва **инвентарлар** нормаларини танқидий қайта кўриб чиқиб, янги таҳрирдаги **Ҳукумат қарорини қабул қилсин**.

17. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон гимнастика федерацияси **бир ой муддатда** гимнастика спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар спортчиларини 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, иқтидорли спортчиларни спорт **кийимлари** ва **экипировкалари** билан таъминлаш назарда тутилсин.

18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев) Молия вазирлиги (Ж.Абруев), Спортни ривожлантириш вазирлиги (М.Исмаилов), Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда 2024-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корхожи ота кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактаби тасарруфидаги бино ва иншоотларни халқаро талабларга мувофиқ **реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш**, шунингдек, ушбу объектнинг тегишли бўш ер майдонида 36х30 метр ўлчамли спорт **гимнастикаси залини қуриш** ҳамда замонавий спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган **ўқув-машғулот базасига айлантириш** чораларини кўрсин.

19. Ўзбекистон гимнастика федерацияси (Ш.Умурзаков) ва Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов):

замонавий илм-фан ютуқлари ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда гимнастика спорт турлари бўйича тренерлар, селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳоратини доимий ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида **семинар, тренинг ва маҳорат дарслари**ни ўтказишни тизимли равишда йўлга қўйсин;

**уч ой муддатда** мактабгача таълим ташкилотларида "**Гимнастикага илк қадам**" ва умумий ўрта таълим мактабларида "**Болалар учун гимнастика**" дастурларини амалга ошириш ҳамда жойлардаги тренерлар фаолиятига кўмаклашиш мақсадида ушбу дастурларни амалга ошириш **концепцияси** ҳамда **гимнастика спорт турлари бўйича видеодарсликлар** тўпламини яратсин;

фаолияти давомида намуна кўрсатган юқори малакага эга тренер ва мутахассислар малакасини янада ошириш, замонавий билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш учун уларни миллий терма жамоаларнинг хорижда ўтказиладиган **ўқув-йиғин машғулотлари** ва **халқаро мусобақалар** жараёнига жалб этиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар**, **брифинглар**, **тематик телекўрсатувлар** ташкил этсин.

21. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси бош котиби **О.А.Қосимов** ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерацияси раиси **Ш.Б.Умурзаков** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ВА ТРАНСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ВИЛОЯТНИ “САМАРҚАНД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ДАРВОЗАСИ” КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Аэропортда:

2030 йил 1 январга қадар **хорижий авиакомпанияларнинг парвозларини амалга ошириш** учун Аэропортни бошқариш бўйича хусусий шерик (кейинги ўринларда — хусусий шерик) ҳам **рухсатнома олиш учун** Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига **илтимоснома** билан мурожаат қилади;

**учиш учун рухсатномани бериш масаласи** Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан авиақатновларни амалга ошириш учун хорижий авиакомпаниялар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар топширилган кундан бошлаб **кўпи билан 96 соат давомида, чартер парвозлар учун эса 24 соат давомида** кўриб чиқилади;

туристларга хизмат кўрсатиш учун **туризм ахборот марказлари** ташкил этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5100-сон қарори 12-банди қоидалари хусусий шерикка ҳам татбиқ этилади;

в) **2026 йил 1 январга қадар** тадбиркорлик субъектлари:

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан 4 юлдузли ва ундан юқори тоифага эга бўлган меҳмонхонани ташкил қилиш ва/ёки фаолиятини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, махсус техникалар, ёқилғи-мойлаш материаллари, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлари, хомашё ва материаллар, ўсимликлар, мебель, инвентарлар ва бошқа зарур бўлган товарларни олиб кирганда божхона божини тўлашдан;

Самарқанд туристик маркази ҳудудида объектларни қуриш учун “вақтинча олиб кириш” божхона режимига олиб кириладиган махсус техникалар, механизмлар ва технологик ускуналар учун даврий божхона тўловларини тўлашдан озод этилади.

4. Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Самарқанд ва Тойлоқ туманлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарори билан тасдиқланган Меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туман ва шаҳарлар рўйхатига киритилсин.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари хулосалари асосида Пайариқ, Самарқанд ва Тойлоқ туманларида туристик зона чегараларини белгилаш тавсия этилсин.

5. Туризм ва маданий мерос вазирлиги **уч ой муддатда:**

2023 йилда Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти **Бош Ассамблеясининг 25-сессиясини** (кейинги ўринларда — Бош Ассамблея 25-сессияси) **юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишни;**

**“Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси”** тарғибот кампаниясини ташкил этиш ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти билан келишув асосида **Бош Ассамблея 25-сессиясининг логотипини** ишлаб чиқишни;

2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган тадбирлар ва анжуманлар графигини ҳамда 2024 йилда Хива шаҳри “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” ҳамда Шаҳрисабз шаҳри “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти” мақомини олганлиги муносабати билан ўтказиладиган чора-тадбирлар режасини тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки:

Бош Ассамблея 25-сессиясини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

“Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” тарғибот кампаниясини ташкил этиш ва Бош Ассамблея 25-сессиясининг логотипини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги ва “Uzbekistan Airports” АЖ билан биргаликда 2023 йилнинг биринчи чорагида ихтисослаштирилган компанияларни жалб қилган ҳолда Самарқанд шаҳрида **“Aviation & Logistics Forum” II халқаро авиация форумининг** ўтказилишини таъминласин.

7. “Uzbekistan Airports” АЖ хусусий шерик билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** слотларни тасдиқлаш тўғрисидаги регламентни ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, авиакомпанияларнинг парвозларни амалга оширишни режалаштириш учун аризалари (сўровлари) “Uzbekistan Airports” АЖ томонидан хусусий шерик билан келишилгандан сўнг ваколатли органга тақдим этилиши тартиби назарда тутилсин.

8. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** Самарқанд туристик маркази ҳудудида чет эллик шахслар учун бож олинмайдиган савдо дўконларини ташкил этишни таъминласин.

9. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Самарқанд туристик маркази ҳудудида музейлар, галереялар, маданий-томоша ҳамда маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда туристларни жалб қиладиган бошқа кўнгилочар ва спорт масканларини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

10. Транспорт вазирлиги:

а) 2023 йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларни жалб қилган ҳолда шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автобус (микроавтобус) қатновларини ахборот технологиялари орқали йўлга қўйишга қаратилган тизимни яратсин. Бунда, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автобус (микроавтобус) қатновлари тизимида:

чипталарни “Uzbus” платформасида харид қилиш тартиби;

аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мавжуд шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича автобусларнинг ўз вақтида ҳаракатланаётганини мониторинг қилиш мақсадида автобусларга GPS қурилмаларини ўрнатиш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ягона платформани яратиш назарда тутилсин;

б) “Uzbekistan airways” АЖ билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан шахсий кабинет орқали гуруҳ йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда мобиль иловалар орқали чипталар мавжудлигини кузатиш ва онлайн бронь қилиш имкониятини назарда тутган ҳолда авиачипталар онлайн савдоси ҳажмини ошириш чораларини кўрсин;

в) “Uzbekistan Airports” АЖ ва хусусий шерик билан биргаликда Аэропортда авиаташувчилар учун муқобил жойлаштириш тизимини жорий қилиш чораларини кўрсин;

г) Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** зиёрат туризмини ривожлантириш ва туристлар сонини мақсадли кўрсаткичларда белгиланган миқдорларга етказиш учун Индонезия, Малайзия, Япония, Бангладеш мамлакатларидан келаётган туристларни жалб этиш мақсадида хорижий ва учинчи давлат авиакомпаниялари томонидан халқаро аэропортларда жорий этилган “Очиқ осмон” режими доирасида авиапарвозларни амалга оширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Туризм ва маданий мерос вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Транспорт вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **зиёрат туризми дастури бўйича хорижий авиакомпанияларни кенг жалб қилиш;**

“Uzbekistan Airports” АЖ ва хусусий шерик билан биргаликда **2023 йил 1 февралга қадар Аэропортда туризм ахборот марказини ташкил қилиш** чораларини кўрсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши (Ж.Ходжаев) **икки ҳафта муддатда** импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари учун белгиланган божхона тўловлари ставкаларини қайта кўриб чиқиб, таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р.Маҳкамов, туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Б.Ибрагимов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 31 декабрга қадар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 24 декабрь

## ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ҚАНОТИДА

# ЁШЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА НУРОНИЙЛАР ЯНАДА ФАОЛЛИК КЎРСАТАДИ



**Содиқжон ТУРДИЕВ, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, сенатор**

**Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасини катта қизиқиш ва диққат-эътибор билан тингладик. Анъанага кўра, ушбу Мурожаатномада ҳам мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг келгуси йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари ва асосий мақсадлари белгилаб берилди.**

Президентимиз томонидан кириб келаётган янги, 2023 йилга **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”,** деб ном берилиши айнан дилимиздаги гап бўлди. Бинобарин, буюк аждодларимиз илму ирфон йўлини танлаб, барча соҳаларда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшганини бутун дунё яхши билади. Шу маънода, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг **“... Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ таассуб билан яшаб бўлмайди. Замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассубларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илму маърифатдир”,** деган ҳикматли гапи бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида: “ **...Ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак”,** дея алоҳида таъкидлади. Бу борада, биринчи навбатда, биз, нуронийлар ташаббусни қўлга олиб, барчанинг бошини қовуштиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Президентимиз ғояси билан республикамиздаги барча мактабгача таълим муассасаларига “Бувижонлар мактаби” гуруҳларининг энг фаол аъзоларини бириктириб қўйганмиз. Улар боғчаларга бориб, тарбиявий аҳамиятга эга эртаклар, ҳикматли сўзлар, ўгитлар орқали болажонлар маънавиятини юксалтириш, мурғак қалблар онгига Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат сингари чин инсоний фазилатларни сингдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўз навбатида, умумтаълим муассасаларига бириктирилган уч нафардан энг фаол, фидойи нуронийлар ҳам тез-тез мактабларда бўлиб, ўқувчиларнинг билим эгаллаши, тартиб-интизоми, одоб-ахлоқидан тортиб муаллимларнинг дарс беришигача бўлган жараёнларни мунтазам кузатиб туради. Мактаб ҳаётига дахлдор қайси масала бўлмасин, ўз маслаҳатларини, таклиф-тавсияларини бериб боради. Ўзлари ҳам “Нуронийлар соати” дарсларини ўтиб, кўп йиллик ҳаётий тажрибалари асосида ёшларни ҳар томонлама етук, ватанпарвар, мустақил фикрига эга, интеллектуал салоҳияти юқори шахслар сифатида тарбия топишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мурожаатномадан келиб чиқиб, келгуси йилдан ушбу саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириб, янгича мазмун-моҳият билан давом эттирамиз.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга жорий этилаётган **“Бир нуроний — ўн нафар ёшга мураббий”** лойиҳаси доирасида ёшларни тўғри йўлга солиш, иш билан таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган ишларимиз самарадорлигини янада оширишни бугунги тезкор замоннинг ўзи талаб этмоқда.



Ўтган давр мобайнида маҳаллаларда катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган 16 минг 224 обрў-эътиборли нуроний ва зиёли 154 минг 218 ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшга бириктирилди. Нуронийлар 470 ёшнинг ўқишини тиклашга, 29 минг 868 нафарининг ишга жойлашишига кўмаклашди, тарбияси оғир 212 мингдан ортиқ ёшнинг тўғри йўлга тушиб олишига эришилди. ажрашиб кетиш арафасида турган 5 055 оила яраштирилди. Бундан буён ҳам мураббий-нуронийларимиз томонидан ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳар қандай масалаларига ечим топиш, дунёқараши, жамиятга бўлган муносабатини ўзгартиришга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатларини таъсирчан усулларда ўтказиб бориш билан бир қаторда, фарзандларимизни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, илм-фан сирларини мукаммал эгаллашига кўмаклашиш фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Глобаллашув даврида дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб, тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар ўрнини аксар ҳолларда бузғунчи, вайронкор, инсониятни инқирозга олиб борувчи хатти-ҳаракатлар эгалламоқда. Инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда ғаразли кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилиш, ўз таъсир доирасини кенгайтириш, дунёни бўлиб олишга қаратилган интилишлари ҳам кучайиб бормоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлигимизни асраб-авайлаш, одамларимизни, айниқса, ёш авлодни бугунги дориламон кунлар қадрига етишга ўргатиш, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она юртга меҳри ва садоқатини оширишга устувор аҳамият қаратиш барчамиз учун юксак бурч ва масъулиятдир.

Шу маънода, Президентимиз Мурожаатномада айтган: **“Энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик!”** деган даъватига жавобан узоқ йиллик бой ҳаётий тажрибамиздан келиб чиқиб, ёш авлодни баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида ўз панд-насиҳатларимиз, йўл-йўриқ ва маслаҳатларимиз ҳамда амалий ишларимиз билан янада фаол иштирок этамиз. Зеро, давлатимиз раҳбари **“шу мақсадда биз муҳтарам нуронийларимизга таянамиз”,** дея ёши улуғларга жуда катта ишонч билдирди.

Айниқса, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб аҳил-иноқ, тинч-тотув умргузаронлик қилаётган жонажон Ўзбекистонимизда миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш ишларига бор куч ва имкониятимизни сафарбар этишимиз мақсадга мувофиқдир. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини эгаллаш, уларни вайронкор ёт ғоялар билан заҳарлашга бўлган уринишларга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаслик учун доимо ҳушёр ва огоҳ бўламиз. Шу билан бирга, барчамиз бир тану бир жон бўлиб муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларидаги ишларимизни янада такомиллаштирамиз. Бу борада қабул қилинадиган м**иллий дастурни** ишлаб чиқишда нуронийларимиз ўз фикр-таклифлари билан алоҳида ташаббускорлик кўрсатади.

Халқимиз азал-азалдан “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Маҳалланг — отанг, маҳалланг — онанг” каби ҳикматларга амал қилиб яшаб келган. Ёшларнинг ахлоқ-одоби, ўзини тутиши, таълим-тарбия олиши учун маҳалладаги ёши улуғ кайвонилар ҳам ўзини масъул ва жавобгар деб билган. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимиз тинч-осойишта, турли зарарли иллатлардан холи бўлган, оилавий ажримлар жуда кам учраган. Аксарият маҳаллаларда оқсоқолларнинг бир оғиз гапи, панд-насиҳати билан ҳар қандай муаммо ҳал бўлган.

Шундай экан, азалий қадриятларимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизга таянган ҳолда маънавий-маърифий ҳаётимизни тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотлар рўёбини таъминлашда биз, нуронийлар ташаббусни қўлга оламиз, алоҳида фаоллик кўрсатиб, ибрат намуналарини намойиш этамиз. Бу борада барча шаҳар ва туманларимиздаги Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” ва “Бувижонлар мактаби” гуруҳлари, фаол кексаларимизнинг тажрибасига суянамиз, албатта.

Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашнинг энг самарали тизими сифатида йўлга қўйилган **“Уч авлод учрашуви”, “Кексалар маърифати”, “Касбим — фахрим”, “Эҳтиром, эъзоз, эътибор”, “Янги Ўзбекистонни барпо этишда нуронийларнинг ўрни”, “Ёшлар — нуронийлар нигоҳида”** мавзуларида ўтказиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларимизни янгича мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда нуронийларимиз томонидан ёшлар маънавиятини ошириш, онгида ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишларимиз самарадорлигини ошириш ҳаракатида бўламиз.

“Уч авлод учрашуви” лойиҳаси кўлами янада кенгайтирилиб, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда доимий равишда ўтказиб борилмоқда. Учрашувларга эл орасида обрў қозонган, кўпчиликни ортидан эргаштира оладиган, узоқ йиллик ҳалол меҳнати туфайли бугун эъзоз ва ардоқда юрган фаол нуронийлар жалб қилинмоқда. Улар ўз ҳаёт йўлларида дуч келган қийинчилик ва машаққатлар, халқимиз ўтмишда бошидан ўтказган қора кунлар, эрк ва ҳурриятга эришиш ўз-ўзидан бўлмагани ҳақида ёшларимизга батафсил сўзлаб бериб, бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ва ҳимоялашга, Ватанни жону дил билан севишга, эл-юрт манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилишга чорламоқда. Бундай дийдорлашувлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномада ҳақли равишда таъкидлаганидек, **“...тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади. ... Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. ... Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни, албатта, барчамиз биргаликда бунёд этамиз”.**

Бу борада давлатимиз раҳбари кекса авлод вакилларига жуда катта ишонч билдириб, **“сиз муҳтарам нуронийларга суянаман”,** деган таъкиди эса зиммамизга улкан масъулият юклайди. Албатта, биз, кекса авлод вакиллари Президентимизга камарбаста бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи ҳар бир ишда алоҳида ибрат кўрсатамиз.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ








# КЎЗЛАГАН МАРРАЛАРИМИЗГА, АЛБАТТА ЕТАМИЗ!

## *(Тараққиёт стратегиясининг илк йили натижалари)*



**Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходими, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда "ҳукумат соати" институти депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти давомида сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ҳамда жойларда аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишда парламентнинг ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлигидаги энг самарали усуллардан бирига айланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2019 йилдан то бугунги кунга қадар 32 марта 3 нафар Бош вазир ўринбосари, 29 нафар вазир ва қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган "ҳукумат соатлари" жамият ҳаётидаги мавжуд долзарб муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, ижро ҳокимияти эътиборини қаратиш борасида таъсирчан парламент ва депутатлар назоратини амалга ошириш имкониятини кенгайтирмоқда.

Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Президентимизнинг Мурожаатномасида қайд этилдики, пандемиядан кейин бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2022 йилда ЯИМ 5,5 фоиз ўсиб, унинг ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

2022 йилда Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган муҳим вазифа, яъни республика ҳудудлари ва тармоқлар билан биргаликда бириктирилган барча йўналишлар (инвестиция, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экспорт, маҳаллийлаштириш) бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳукумат комиссияси томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари кўриб борилди. Натижада 2022 йилда мазкур йўналишларда юқори ўсиш кўрсаткичларига эришилди. Хусусан, 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, қиймати 3,2 миллиард долларлик 91 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди.

Шунингдек, ҳудудий инвестиция дастурларига мувофиқ 7454 та, барча саноат зоналарида 612,9 миллион долларлик 1299 та ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2204 та лойиҳа бўйича 33,4 триллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш, инвестиция ва экспорт кўрсаткичларида жиддий ўсишга эришилди. Жумладан, электротехника саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18,3 фоиз, чарм-пойабзал саноатида 18 фоиз, тўқимачилик соҳасида 9 фоиз, қурилиш материаллари соҳасида 8 фоиз ошиши таъминланди.



Инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробар қисқартириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доиралар ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз 2022 йил 27 январда "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади. Унга кўра, 2022 йилнинг 9 ойида 69,3 минг янги савдо ва сервис объекти ишга туширилди, 42,7 мингта, жумладан, сервис соҳаси учун 29,2 мингта ва кўчма савдо фаолияти учун 35,3 мингта ер майдони аукцион савдоларга чиқарилди.

Тараққиёт стратегиясида мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга жуда катта эътибор берилган. Шу боис, экспорт ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида маҳаллий корхоналарни манзилли қўллаб-қувватлаш давом эттирилди. Экспортёр корхоналарга Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 429,2 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 517 та корхонага 255 миллиард сўм транспорт учун, 287 та корхонага 41 миллиард сўм халқаро стандартлаш ва сертификатлаш учун, 627 та корхонага 101,2 миллиард сўм бошқа харажатлар қоплаб берилди. Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 240 та корхонага айланма маблағлар учун 150 миллион доллар ресурс ажратилди. Европа Иттифоқига экспорт қилган 65 та корхонага 14,8 миллиард сўм транспорт харажати қоплаб берилди, 287 та корхонага халқаро тан олинган 585 та стандарт ва сертификатни жорий этиш учун 40,8 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ана шундай таъсирчан чора-тадбирлар кўрилгани туфайли 2022 йилда экспорт 13 фоиздан кўпроқ ошиб, 19 миллиард долларга етди.

2022 йилнинг 10 ойида экспорт фаолиятига 1458 та янги корхона жалб этилди ва улар томонидан 803 миллион долларлик экспорт қилинди. Экспорт географияси 44 та янги бозорга кенгайтирилди. Масалан, Италия, Латвияга ипакдан аёллар кўйлаги, Камерунга мис сим, Молдовага кир ювиш машинаси, Исроилга миллий чолғу асбоблари илк марта экспорт қилинди. GSP+ доирасида Европа Иттифоқи давлатларига жами 387,2 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробар ўсишга эришилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишни таъминлашда тадбиркорларнинг ўрни жуда катта. Бу масала Тараққиёт стратегиясига алоҳида киритилган. Президентимизнинг жорий йилги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида улар томонидан кўтарилган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, фойдаланилмаётган объектлар мулкдорларига аввал оширилган ставкаларда қўлланилган солиқ механизми натижасида ҳосил бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича мавжуд солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди ҳамда солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилди.

Натижада 1,4 триллион сўм миқдоридаги солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди, 561 миллиард сўм солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилди, 2022 йил 1 июлдан бошлаб мулкдорлар томонидан тўланган 16,2 миллиард сўм солиқ тўловчиларга қайтарилди.

2022 йил 1 ноябрдан бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорликни ҳисоблаш ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўллаш тартиби бекор қилинди.

Экспорт қилувчи ташкилотларга фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишидаги имтиёзлар товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар, қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш мақсадида 2022 йил 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоб тўлиқ йўлга қўйилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга киритилган тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг ошиб кетган суммаларини 7 кун ичида қайтариш тизими жорий этилди. 2022 йил 1 ноябрдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида рўйхатга олиниши белгиланди. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланиши белгилаб қўйилди.



Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатини кенгайтириш мақсадида 2022 йил 16 августда Президентимизнинг "Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди, жамғарма маблағларини маҳалладаги ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш учун йўналтириш белгиланди.

2022 йилда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган масалаларни ҳал қилишга бюджетдан 8 триллион сўм йўналтирилди. "Ташаббусли бюджет" доирасида аҳоли таклифидан келиб чиқиб, маҳаллалардаги лойиҳаларга 2,5 триллион сўм ажратилди. Бунда ҳудудларнинг қўшимча иқтисодий имкониятларидан шаклланган 16,5 триллион сўм ҳам ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилди.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида оила таркибини автоматик тарзда шакллантириш функцияси яратилди. "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" ахборот тизимлари билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Электрон ҳукумат" идоралараро интеграциялашув платформасига расмий сўров юбориш орқали маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Мазкур реестрга киритилган барча кам таъминланган оилалар (оила аъзолари)нинг "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" орқали кўрсатилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳақида маълумот олиш имконияти яратилди.

2022 йил январида мамлакатимизда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари тизими ташкил этилди. Улар ёрдамида 2022 йилнинг 9 ойида маҳаллалардаги ишсиз аҳолининг 1,9 миллион нафари доимий ва мавсумий иш билан таъминланди. 341 минг фуқарога ижара асосида ер ажратилди. 267 мингта лойиҳага 6,4 триллион сўм имтиёзли кредит ва 35 мингдан ортиқ ишсизга 112 миллиард сўм субсидия ажратилди, 218 минг шахс касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 19 мингта "маҳаллабай" микролойиҳа ишга туширилиб, 78 мингта янги иш ўрни яратилди. 61 мингта юридик ва 62 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди ва 14,6 минг километр ички йўл шағал билан қопланди, 7,1 минг километр йўл асфальт қилинди, маҳалла ҳудудидан ўтувчи катта йўл ёқасида 1 минг километр пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. 5,3 мингта трансформатор, 141,6 мингта симёғоч ва 122,6 мингта тунги чироқ алмаштирилди.

Тараққиёт стратегиясида 2022-2026 йилларда мамлакатимизга 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш мақсади қўйилган эди. Ана шу мақсадга эришиш йўлида 2022 йилнинг 9 ойида 3 миллиард долларлик 72 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа ҳамда 2,6 миллиард долларлик 6486 та ўрта ва кичик лойиҳа ишга туширилди. Бундан ташқари, ҳудудий дастурларда кўзда тутилмаган 489,9 миллион долларлик 1300 та янги лойиҳа ҳам амалга оширилди. Яъни 9 ойда режадаги 4,2 миллиард доллар ўрнига жами салкам 6,1 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилди.

Шу билан бирга, туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди ва юртимизга 9 ойда 3,6 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2021 йилнинг 9 ойига нисбатан 3 баробар кўп. Туризм хизматлари экспорти эса 296,4 миллион доллардан 1,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ошди. Маҳаллий сайёҳлар сони 4,6 миллиондан 8,5 миллионга етди (ўсиш — 1,9 баробар). Бунга ички туризмни ривожлантириш бўйича кўрилган қатор чора-тадбирлар туфайли эришилди. Жумладан, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури ишлаб чиқилди ва маҳаллий сайёҳларга харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиш жорий этилди. Самарқанд шаҳрида янги сайёҳлик маркази барпо этилди, 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, парк, бошқа кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари қурилди. Жорий йилнинг 9 ойида 212 та янги туристик ташкилот ва турагент иш бошлади ва уларнинг умумий сони 1707 тага етказилди.

Ўтган 9 ойда 1817 та туристик объект ишга туширилди, шундан 108 та меҳмонхона, 184 та хостел, 696 та меҳмон уйи, 98 та ўтов, 50 та ҳунармандлик маркази, 23 та тоғ туризми, 20 та пляж туризми майдони, 24 та саҳро туризми шохобчаси, 431 та ресторан ва кафе, 79 та транспорт корхонаси, 15 та ов туризми ва 130 та зиёрат туризми объекти, 141 та туризмга ёндош хизматлар йўлга қўйилди. Натижада жойлаштириш воситалари сони 1698 та, улардаги ўринлар сони 85 минг 408 тага, оилавий меҳмон уйларининг умумий сони 3139 та, ўринлар сони 27 минг 500 тага етказилди.

Тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналиши бўлган пенсия ва нафақалар соҳасида ҳам жуда катта тадбирлар ўтказилди. Мурожаатномада қайд этилдики, бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. 2022 йил февраль ойидан бошлаб аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш вақтининг 6 йиллик даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш ҳуқуқи берилди. Ўқувчи ва талабалар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқини таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даври давомида, 23 ёшга тўлгунга қадар сақлаб қолиш ҳуқуқи берилди. Болаликдан ногирон бўлганларга 18 ёшгача қараган даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш йўлга қўйилди. Кўзда тутилган чора-тадбирлар натижасида 100 мингдан ортиқ пенсия олувчининг пенсия миқдори қайта кўриб чиқилди ва жамғарма ҳисобидан қўшимча 66,4 миллиард сўм ажратилди.

Бу борадаги иккинчи муҳим янгилик 2022 йил 1 мартдан кучга кирди. Унда имтиёзли тоифага кирувчи барча шахсларга, уларнинг пенсия (нафақа) олиши ёки меҳнат фаолияти юритишидан қатъий назар, компенсация олиш ҳуқуқи берилди. Ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови ва ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахсларга ҳар ойда қўшимча тўлов тўлаш жорий этилди.

2022 йил 1 апрелдан зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ногиронлик нафақаси миқдори 440 минг сўмдан 622 минг сўмга етказилди. Иш стажи тўлиқ бўлмаган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори 440 минг сўмдан 622 минг сўмга оширилди. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги ва касалликка чалинган болалари бўлган оилага ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида янги турдаги парваришлаш нафақаси жорий этилди. Бунда 41,0 минг оилага 500 минг сўм парваришлаш нафақаси тўлаб берилди. Мазкур тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча 378,4 миллиард сўм йўналтирилди. Кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштиришга Пенсия жамғармаси ва республика бюджетидан 3670 миллиард сўм ажратилди.

Мамлакатимизда аҳоли ўсиш суръатлари юқори. Айни пайтда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 19,4 миллион кишини ташкил этади. Ишсизлик даражаси ўтган йилдагига нисбатан 9,4 фоиздан 8,6 фоизга камайган бўлса-да, 1,3 миллион киши ишга жойлашишга муҳтож. Бундан ташқари, 2023 йилда яна 700 мингдан ортиқ ёш меҳнат бозорига кириб келади.

Иқтисодий нофаол бўлган аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўрилаётгани ҳамда миграциядан қайтиб келиш кўпайиши натижасида ишчи кучининг таклифи яна ярим миллион кишига ошди. Ана шундай ҳолатда янги иш ўринлари яратишга жуда катта эътибор қаратилаётгани табиий. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган 85,6 минг хотин-қиз тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, улар томонидан 123,2 мингта янги иш ўрни яратилди. 138,7 минг аёлга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жами 2,7 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бугунги кунда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг 598,8 минг нафарига амалий ёрдам кўрсатилиб, жумладан, 214,4 минг хотин-қиз касбга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди, бандлиги таъминланди, 38,1 минг нафарига имтиёзли кредитлар берилди.

Ҳунармандлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 409 та ҳунармандлик лойиҳасига умумий қиймати 17,7 миллиард сўм кредит ажратилди. Умуман олганда, 2022 йилда 2 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 4 миллиондан зиёд аҳоли мавсумий меҳнат орқали даромадли бўлди. Жумладан, оилаларга деҳқончилик учун тарқатилган 100 минг гектар ерда 1 миллион 200 минг аҳоли доимий ва мавсумий банд бўлди. Ҳудудларда корхоналар 85 мингтага кўпайиб, сони 550 мингтага етди. Бунинг ҳисобига 2022 йилда даромад солиғи тўлаётган расмий банд бўлганлар сони 400 мингтага ошди. Шунингдек, 3,5 мингта саноат лойиҳаси ишга туширилиб, 160 мингта доимий иш ўрни яратилди.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қурилаётгани, ипотека ва қурилиш бозори кенгайгани ҳисобига бу йилнинг ўзида 4,5 мингта янги қурилиш корхонаси ташкил этилди ва 135 минг доимий иш ўрни яратилди. Туризм ва сервис соҳаларида йирик хизмат кўрсатиш марказлари ишга тушгани, сервис-савдо кўчалари, туризм қишлоқлари ташкил қилингани, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилингани, иш вақтига чекловлар олиб ташлангани ҳисобига 1,5 миллион аҳоли қўшимча даромадли бўлди. Йўловчи ташиш, риэлторлик, дурадгорлик, кулоллик, уйда сут маҳсулотлари тайёрлаш каби 79 та фаолият тури бўйича ўзини ўзи банд қилиш имконияти яратилгани натижасида бу йил 914 минг фуқаро рўйхатдан ўтиб, ўзини ўзи банд қилганлар сони 2 миллионга яқинлашди. Умуман олганда, 2022 йилда 2 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланди, 4 миллиондан зиёд аҳоли мавсумий меҳнат орқали даромадли бўлди.

Мамлакатимизда узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизимини яратиш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш мақсадида бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Мазкур тизим доирасида эҳтиёжманд оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўлаш бошланди. Жорий этилган янги тартиб доирасида 58,6 минг фуқарога 12,8 триллион сўм ипотека кредитлари ажратилди. Шулардан 24,3 минг фуқарога 988,5 миллиард сўм субсидия тўлаб берилди.

Тараққиёт стратегиясида 2022 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишига жорий йил жаҳонда юз берган нохуш ҳодисалар муайян даражада таъсир қилди. Лекин унда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар пухта тайёрланган, чуқур асосланган, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ва раҳбарият томонидан ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ана шундай натижаларга эришилмоқда. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётини тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишга хизмат қиляпти. Халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш йўлида улкан қадам бўляпти, инсон қадрини улуғлаш учун мустаҳкам замин ҳамда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан сифат ўзгаришларини яратяпти.

Мухтасар айтганда, Президентимиз ўз Мурожаатномасида таъкидлаб айтганидек, биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда. Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга, албатта етамиз!

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

КУН МАВЗУСИ



# Креатив иқтисодиёт — яратувчанликка таянган иқтисодиёт

**Йил поёнида ортга бир қур назар ташлаб, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган хато-камчиликларни таҳлил қилиб, янги йилга янги режалар, мақсадлар билан кириб бориш муваффақиятга замин яратади. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа саналган Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида жорий йилдаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, келгуси йилга мўлжалланган вазифалар эълон қилинди.**



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири, академик**

Мурожаатномада таълимга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Ҳозирги воқелик, умумбашарий ривожланиш тенденциялари ижодий ёндашув ва янги ғоялар билан тармоқларни ривожлантиришни талаб қилади. Биз соҳаларда ўз ечимини кутаётган масалаларни илмга асосланиб ҳал этсак, катта марраларга эришамиз. Келгусида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш жараёнлари янада кескин тус олади, инсондаги ижодкорлик, роботлар еча олмайдиган нозик масалаларни ҳал қилиш салоҳияти, масалага танқидий ёндашув имкониятининг қадри ошади.

Давлатимиз раҳбари креативлик, тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини юксалтириш орқали инсон капиталини янада ривожлантириш вазифаси муҳим йўналишлардан бири эканини кўп бора таъкидлаган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида ҳам бу ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда таълим қамрови кенгайиб, олий таълим талабалари сони янада кўпайди. Демакки, ҳар йили янгидан-янги кадрлар меҳнат бозорига кириб келмоқда. Эндиги вазифамиз олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида зиммамизга юқори интеллектуал билимларни талаб этувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратиш вазифаси қўйилган. Бугунги кун талабалари Ўзбекистонда креатив иқтисодиётни шакллантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши керак.

Жаҳон мамлакатларида бугун "креатив иқтисодиёт" устувор йўналишга айланган. Маълумотларга кўра, ижодий иқтисодиётнинг глобал бозори 2024 йилга бориб 1 триллион долларга етади. Бу эса ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти ҳажми ортишига катта ҳисса қўшяпти. Жаҳон иқтисодиётида юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Келажакда креатив иқтисодиётнинг жадал ривожланиш суръатлари туфайли тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ўртасидаги тенгсизлик муттасил ошиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳа ривожида илм-фан, таълим муҳим роль ўйнайди.

Ижодий иқтисодиётнинг валютаси — ғоя. Демак, унинг ривожи учун фақат билим ва истеъдод керак. Стартапларни креатив бизнес, интеллектуал мулкни эса ижодий иқтисодиёт ДНКси дейиш мумкин. Европада ижодий ва маданий соҳалар автомобилсозлик саноатига қараганда 2,5 баробар кўпроқ иш ўринларини яратди.

Юртимизда стартаплар тобора кенг жорий этилиб, ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Демак, илмга асосланиб пухта режалар тузиш, муаммо ва камчиликларни шу орқали ҳал этишга қизиқиш ортмоқда. Талаба-ёшлар иштирок этадиган кўплаб танловларда илгари сурилаётган ташаббусларнинг аксарияти электрон тижорат, таълим, коммуникация ва навигация технологиялари, транспорт ҳамда йўл инфратузилмаси, тиббиёт ҳамда биотехнологиялар соҳасига тегишли. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Сўнгги йилларда юртимизда янгича бизнес лойиҳалар, ғояларни қўллаб-қувватлаш ислоҳотларнинг асосини ташкил қилмоқда. Айнан шу орқали фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки фаоллашяпти.

Билимлар иқтисодиёти келажак авлод иқтисодиёти ва у инновациялар, янги ғоялар, креатив маҳсулотларга асосланган бўлади. Бунда технология ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этадики, Президентимизнинг ёшларни муҳандисликка йўналтириш ҳақидаги фикрлари бежиз эмас. Мурожаатномада айтилган "муҳандислик мактаблари" илмга асосланган иқтисодиёт яратишга замин бўлади.

Турли тармоқларда муҳандислар тайёрлаш мактаблари ташкил этилиши таълим билан ишлаб чиқаришни боғлайди. Таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясида катта қадам бўлади.

Сўнгги йилларда инновацияларни молиялаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Натижада жорий йилда илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу 2017 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп. 2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилиши олдимизда турган янги марраларга эришишга хизмат қилади.

Биотехнология, нанотехнология фаннинг устувор йўналишларидир. Улар ҳар бир соҳа ривожига хизмат қилади. Таълим дейсизми, тиббиёт ёки иқтисодиётми, уларни жаҳон андозаларига мос равишда юксалтиришимиз учун, албатта, бизга янги технологиялар зарур. Олимлар мавжуд адабиётларни ўқиш-ўрганиш билан чекланиб қолмай, жамиятни қийнаётган муаммоларга ечим топа билиши, замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, мавжуд услубларни доим янгилаб, такомиллаштириб бориши керак.

Давлатимиз раҳбари сув тежовчи технологиялар яратиш, энергетика соҳасини ривожлантирадиган устувор вазифаларни бажариш олимлар олдидаги энг муҳим вазифа эканини таъкидлади. Табиий ресурсларни тежашга, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган биотехнология, нанотехнология, "ақлли" геология, саноат, қурилиш каби долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатиш учун биз бундан буёғига янгидан-янги лойиҳалар устида ишлашимиз керак.

Ҳозир дунёнинг инновацион драйверлари — рақамлаштириш ва илғор илм-фан. Мурожаатномада мана шу икки соҳага алоҳида урғу берилди. Жорий йилги Глобал инновацион индекс таҳлиллари ҳам иқтисодиётни ривожлантириш, таъбир жоиз бўлса, иқтисодий мўъжиза яратиш учун барча соҳаларни рақамлаштириш ва илм-фанни ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси сифатли таълимга боғлиқ.

2023 йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" йили деб номланиши инновациялар инсон қадри учун хизмат қилишга қаратилишини ва илм-фан учун сифатли кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Инновациялар асосини эса инсон омили, инсон капиталини ривожлантириш ва, албатта, таълим ташкил қилади.

> **"ИЖОДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ВАЛЮТАСИ — ҒОЯ. ДЕМАК, УНИНГ РИВОЖИ УЧУН ФАҚАТ БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД КЕРАК. СТАРТАПЛАРНИ КРЕАТИВ БИЗНЕС, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ЭСА ИЖОДИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДНКСИ ДЕЙИШ МУМКИН. ЕВРОПАДА ИЖОДИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАР АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИГА ҚАРАГАНДА 2,5 БАРОБАР КЎПРОҚ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТДИ.**

Бир вақтлар кўпчилигимизга бутунлай ёт бўлган тушунчалар чекка-чекка ҳудудларгача жадал кириб бордики, одамлар ҳар соҳадаги муаммони илмий ёндашиб ҳал этса бўлишига, импорт ҳисобига олиб келинаётган ҳар қандай маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш мумкинлигига ишона бошлади. Таълим сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар барча соҳалар ривожига катта туртки беради. Зеро, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбияласак, улар ҳам соҳалар ривожига хизмат қиладиган янги ғоялар ҳамда лойиҳаларни амалга оширади.

МУНОСАБАТ

# Янги Ўзбекистонни тараққиётга элтувчи дастур

**Шавкат ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири**

**Ўтаётган 2022 йил ниҳоятда синовли ва машаққатли келди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида эътироф этганидек, элимизнинг бирдамлиги, меҳнатсеварлиги туфайли барча тўсиқлар енгиб ўтилди ҳамда улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилди.**

Мурожаатномада, шунингдек, экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани, биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, сув танқислиги йилдан-йилга сезиларли даражада ортиб боряпти. Бу ҳақда кўп бонг уряпмиз. Сувни тежаш, ҳисобини аниқ юритиш, самарали бошқариш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш борасида бундан олти йил олдин кенг кўламда бошланган ислоҳотлар энди амалда ўз натижаларини беряпти. Яъни бугунги кунга қадар 940 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Охирги йилларда сув хўжалиги объектларида 11 минг 554 та замонавий рақамли технология, жумладан, 5 минг 736 та "Ақлли сув" ускунаси, мелиоратив кузатув қудуғида ер ости сизот сув сатҳини кузатиш имконини берувчи 4 минг 452 та ва насос станцияларида сув миқдорини онлайн мониторинг қилувчи 1 минг 335 та қурилма ўрнатилди ҳамда 31 та йирик сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилди.

Давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий қилиш мақсадида сўнгги йилларда 157 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланиб, 214 километр ирригация ва 539 километр мелиорация тармоғи, 126 та насос станцияси ва 132 та қудуқ хусусий сектор бошқарувига берилди.

2022 йилда ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилишда жами 1 триллион 116,5 миллиард сўм капитал қўйилма ўзлаштирилиб, 98 та ирригация ва 55 та мелиорация объекти фойдаланишга топширилди. 220 минг гектар майдоннинг сув таъминоти, 130 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

2022 йил бошидан буён қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун 38 миллиард метр куб сув етказиб берилди, 7 миллиард метр куб сув тежаб қолинди. Аслини олганда, ўша 7 миллиард метр куб сув эҳтиёжимизга нисбатан кам бўлиб, сувни тежаб ишлатиш, ундан самарали фойдаланиш, тўғри тақсимлаш ҳисобига танқислик бартараф этилди. Очиқ айтадиган бўлсак, шу ишларга олти йил аввал кенг кўламда киришмаганимизда бугун сув масаласида қийин аҳволда қолишимиз аниқ эди.

Президентимизнинг узоқни кўзлаган сиёсати трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш, минтақа давлатлари билан сув дипломатиясини юритишда ҳам ўз самарасини бермоқда. Яқин тарихимизда, яъни 2017 йилгача бўлган қарийб 25 йил давомида минтақада сув ресурсларидан баҳамжиҳат фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолганди. Охирги йилларда қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустаҳкам замин яратди. Қўшни давлатларга ташрифлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласи энг юқори даражада муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқаларни Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясида, сувдан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантирмоқда. Охирги йилларда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар натижасида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришиляпти.



Сув хўжалиги соҳасига қаратилаётган эътибор натижасида тизимда ислоҳот ва янгиланишлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган. Энди ана шу икки ҳужжатга таяниб ва Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, соҳа янада ислоҳ қилинади. Хусусан, сув ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингта сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади. Бу жараёнда 16 та йирик насос станцияси хусусий-шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Вазирлигимиз олдидаги устувор йўналишлардан бири электр энергияси харажатларини тежаш бўлиб, эскирган насос ва электродвигателларни энергия тежамкорларига алмаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишлар самараси ўлароқ, 2016 йилда электр сарфи 8 миллиард 300 миллион кВт-соатни ташкил этган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 7 миллиард кВт-соатдан кам бўлиши кутиляпти.

Шу ўринда 2022 йилда қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида туманларда 161 та сув хўжалиги махсус хизмати бўлими ташкил этилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунки бу орқали сув хўжалиги ташкилотларига истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб ишлаш имкони берилгани қуйи бўғиндаги кўп муаммоларни ҳал қиляпти.

Сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналлар бетонлаштиришга йўналтирилиши қуйи бўғиндаги ташкилотлар ишини янада енгиллаштиради, жойларда сув таъминотини яхшилашга шароит яратади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, 2022 йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ери аҳолига деҳқончилик учун бўлиб берилди. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди. Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли банд бўлиб, даромад оляпти.

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши 100 минг гектар қўшимча экин майдони аҳолига ажратилади. Шунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади. Вазирлигимиз томонидан бу майдонлар алоҳида назоратга олиниб, сув хўжалиги махсус хизмати ходимлари бириктирилади, экинларни суғориш учун сув вақтида етказиб берилиши таъминланади.

Мурожаатнома барча соҳаларни кенг миқёсда қамраб олган ва халқимизни тараққиётга етакловчи муҳим дастуриламал бўлди. Уни тинглар эканмиз, Президентимиз сув хўжалиги соҳасига кўп бор эътибор қаратгани бизни ниҳоятда тўлқинлантирди. Бу, бир томондан, сув хўжалиги соҳаси давлат учун, халқ учун қанчалик муҳимлигини англатса, иккинчи томондан, сувчиларни юксак эътиборни чин юракдан ҳис этган ҳолда ўз олдиларидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришга, билдирилган ишончни оқлашга ундайди.

НУҚТАИ НАЗАР

# Таълим ва тиббиёт уйғунлиги

## ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ИККИ КАРРА ОШИРАДИ

**Мадамин МАДАЗИМОВ,**
**Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**Президентимизнинг Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Унда ҳаётимиздаги муаммолар рўй-рост кўтарилгани, тугал ечими борасидаги қатъий вазифалар белгилангани юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.**



Давлатимиз раҳбари "Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз", дея алоҳида таъкидлади.

Мурожаатномада бебаҳо бойлигимиз — саломатликка эътиборни кучайтириш, тиббиёт тизимини такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифалар соҳа равнақи учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зотан, бу йўналишда олдимизда турган вазифалар бор. Институтимиз жамоаси мунтазам ўқиш ва илмий изланиш билан машғул. Доришунос олимлар билан суҳбатлар, хориж тажрибасини ўрганиш, чет эллик мутахассислар билан ҳамкорлик самара бермоқда. Жумладан, хорижий олийгоҳлардан 47 нафар профессор-ўқитувчи институтимиз таълим жараёнига жалб қилинди. Умумий қиймати 2,7 миллиард сўмлик 4 та миллий, 158 минг евролик 2 та халқаро лойиҳа ишга туширилди.

Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва иқтидорли талабаларнинг 350 дан зиёд дарслик, монография ва ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилди. Беш фан доктори ва 48 фалсафа доктори тайёрланди. Изланишлар самараси ўлароқ, 76 та патент, 7 та ихтиро ва 4 та фойдали модель учун гувоҳномалар олинди. Шу билан бирга, юқори рейтингларга кирувчи журналларда 84 та ва республика журналларида 766 та мақола эълон қилингани илмий доира вакиллари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Талабаларимиз орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, номдор стипендиялар соҳиблари, "Учинчи Ренессанс — ёшлар нигоҳида" танловининг республика босқичи ғолиблари борлиги бизни янада масъулият ва шижоат билан ишлашга ундайди. Халқаро ОТМлар ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларида 14, республика ОТМлари ўртасидаги фан олимпиадаларида 56 талабамиз ғолиб бўлгани ҳам бизни севинтиради.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун талаби ҳар куни изланиш, янгилик яратишни талаб қилади. Шундагина халқимиз ҳаёти яхши томонга ўзгаради. Буни ўзимизга шиор қилиб, доим изланишни давом эттиришимиз зарурлигини педагогик жамоамиз яхши англайди.

Ҳозир тизимда малакали кадрларга катта эҳтиёж сезиляпти. Дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган турли юқумли касалликлар, улар билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда. Мурожаатномада таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга ҳисса қўшишимиз зарур.





## БУГУННИНГ ГАПИ

**Бугун "Янги Ўзбекистон орзуси", "Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш" каби улуғ мақсадлар халқимизнинг умумий орзу-умидлари, келажакка доир мақсад-муддаоларини ифода этган муқаддас тушунчаларга айланди. Айнан мана шу ниятларда мужассам бўлган халқ орзуси тарихий тараққиётнинг янги даврида бутун элимизни бунёдкорлик ва яратувчилик йўлида бирлаштириб, амалий ҳаракатга айланмоқда.**

# ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОН ЯРАТИШ, МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ САРИ



**Минҳожиддин МИРЗО, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**

Дейдиларки, инсон тоғлар ўсишини сезмайди. Лекин ҳар қандай фикрат соҳиби мамлакат, жамиятдаги ўзгаришу юксалишларни аҳлу идрок кўзи ила кўра билади. Соҳибқирон Амир Темур ўз "Тузуклари"да буюк давлат барпо этиш ҳақида сўзларкан, "Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай", деган ҳикматни айтади. Шу маънода, улуғ мақсад йўлига чиққан Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини нафақат барчамиз қалбан, руҳан ҳис қилиб турибмиз, балки бу жараёнларда иштирок этяпмиз ҳам. Бугун мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар натижасида жамиятимиз ҳаёти, одамларнинг онгу тафаккури ўзгармоқда.

Президентимизнинг бу галги Мурожаатномасидаги **"Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур",** деган сўзлар барчамизни ҳам тўлқинлантирди, ҳам ўйлантирди.

Нега давлатимиз раҳбари бизни жадидларнинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганишга даъват этмоқда? Чунки жадидлар янги давр яратувчилари, фидойилари эди. Ҳар қанча қийинчилик ва мушкулотларга қарамай, борини, керак бўлса, жонини тикиб, Ватан ҳурриятига эришиш йўлида чинакам шижоат билан мардона курашдилар. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ўзида ифода этган миллий конституция яратишга киришди. Илм-маърифат йўлида халқни уқубат ва жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш учун янги усул мактаблари, театрлар, нашриётлар, миллатни уйғотишга чорловчи, маърифат сари етакловчи газета ва журналлар очдилар. Истеъдодли ёшларни Европанинг нуфузли университетларида ўқитишга интилдилар. Жамиятга янги озодлик ва маърифат руҳини олиб кирдилар. Миллатни унинг тараққиёти йўлида бирлаштиришга, ҳар бир қалбда Ватан учун фидойилик туйғусини камол топтиришга, миллий нафсониятни уйғотишга интилдилар. Ватаннинг буюк шаъну шавкатини тиклаш жадид таълимотининг ўзак ғояси ҳисобланади. Абдурауф Фитрат "Юрт қайғуси"ни бежиз **"Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?"** деган сўзлар билан бошламаган. XX аср бошида, бир ёнда мустамлакачилик, бир ёнда мутаассиблик ҳукм сурган давр муҳитида миллий руҳни сақлаган ҳолда, илғор Ғарб илм-фани ва техникаси ютуқларини ўзлаштириш ғоясини илгари суриш, маърифатпарварлик ҳаракатини вужудга келтириш ва амалга ошириш чинакам маънавий жасорат эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг **"Ҳақ олинур, берилмас"**, **"Замона илму фанидан бебаҳра миллат ўзгаларга поймол бўлур"**, Абдулла Авлонийнинг **"Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир"**, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг **"Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бугун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарға сарф этмакдадурлар"**, деган сўзлари бугун ҳам миллатни уйғотувчи, уни бефарқлик ва ортиқча маишатлардан асровчи даъватдек жаранглаб турибди.

Бугунги кунда маънавий етук, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, сифатли таълимни кафолатловчи таълим-тарбия тизимини яратиш, ривожлантириш, маърифатли жамиятни барпо этишга киришдик. Бу борада улуғ мақсадларни рўёбга чиқарадиган, эркин ва янгича фикрлайдиган, таҳликали дунёда турли ғоявий таҳдидларга нисбатан кучли иммунитетга ҳамда жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларига эга, ислоҳотларга янада шиддат бахш этадиган ватанпарвар шахсларни вояга етказиш энг муҳим вазифага айланди.

Биз дунёга бухорийлар, хоразмийлар, самарқандийлар, термизийлар, марғинонийлар, насафию фарғонийларни берган халқмиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бугун ана шу силсиланинг бардавомлиги учун замин тайёрланмоқда. Шундай улуғ зотларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароит яратилмоқда. Бу борада жамият ҳаётимиздаги маънавиятга бўлган эҳтиёжни, унинг қудратли кучини тобора ёрқинроқ англаб бормоқда. Негаки, маънавият, биринчи навбатда, халқимиз ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, улуғ орзу ва мақсадларга етиш, келажакни бунёд этиш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Ҳар қандай воқелик айнан маънавият асосида шаклланади. Президентимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида қайд этганидек, **"Маънавият жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча мустаҳкам бўлади".**

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада "Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади", деди. Бир нарса аёнки, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш жисмоний жиҳатдан бақувват инсонни тарбиялашдан кўра, ғоят мураккаб вазифадир. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун курашлар кучайган, ғоявий таҳдидлар ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлаётган бир даврда бу иш жамиятнинг зиёли қатламидан ўша ўктам жадидларга издошлик мақомида янада катта масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий бундай ёзади:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,*
*Бор эди инсон гули мақсуд анга.*

Тангри таолонинг бу бўстон, бу замин, бу гуллаган оламни яратишдан бош мақсади, муроди унинг гули бўлган инсон учундир. Кимки мана шу эзгу йўлда инсонни бу оламни гулга буркайдиган, яъни уни фаровон қиладиган бунёдкор, яратувчи куч деб билар экан, шаксиз ўша ерда ободлик бўлади. Кимки ўз халқи қудратини жамлаб, умумхалқ муроду мақсадига элтувчи йўлга бошлай олса, миллат қудрати тўғри йўналтира олинса, у ҳар бир давлатнинг куч-қудрат, ишонч манбаи ҳисобланиб, тенгсиз бунёдкор тўлқинга айланади. Бунда маънавий-руҳий қудратнинг ўрни бетимсолдир.

Ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтиб бораётган йилда қатор ишлар амалга оширилди.





Хусусан, буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш, алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, "Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият" концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича миллий дастурни яратиш борасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, маънавий-маърифий соҳадаги кенг кўламдаги ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида марказ тузилмаси билан вазирлик ва марказий муассасалар, ташкилот ва идоралар ўртасида ҳамкорликдаги "Йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Уларга маънавий-маърифий фаолиятни самарали ташкил этиш борасида назарий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Бу борадаги интилишларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2022 йилда ўтказилган "Энг намунали туман ва шаҳар" танловида 14 та туман ва шаҳар ҳамда "Энг намунали вазирлик ва идора" танловида 21 та вазирлик ва идора иштирок этди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида миллий армиямиз эришган ютуқларни янада кенг татбиқ этиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасида "Темурбеклар мактаблари"да Соҳибқирон Амир Темурнинг мардона руҳи, жасорати, саркардалик маҳорати, Ватанга буюк садоқати, юксак маънавий фазилатларини ёшлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш бўйича қўшма дастур имзоланиб, ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди.

Халқимизга янги ислоҳотлар нафасини етказиш, ёшлар қалбида ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишда маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш муҳим вазифага айланди. Шу билан бирга, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ва хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамият аъзолари қалбида меҳр-оқибат, тинчликни қадрлаш, ҳамжиҳатлик, шукроналик ҳиссини уйғотиш, оилада маънавий барқарорликни мустаҳкамлаш, зўравонлик, ажрашишларнинг олдини олиш, беморлардан ҳол сўраш, уларга моддий кўмак ва маънавий далда бериш, ёшларни замонамизнинг фидойи вакиллари, қаҳрамонлари билан таништириш, улар қалбида улуғ мақсадларни уйғотиш борасида ҳам қатор ишлар қилинди.

"Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият" шиори остидаги "Маънавият фестивали" доирасида 18 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бадиий ижод каби соҳа вакилларидан иборат 500 дан ортиқ аъзоси жалб этилиб, тадбирларга аҳоли ва ёшлар қамраб олинди.

Мазкур фестиваль доирасидаги "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" китоби тақдимоти, "Миллий қадриятлар ҳафталиги", "Меҳр-мурувват ва саховат", "Аёлга эҳтиром", "Зукко болажон", "Менинг фарзандим — Ўзбекистон фахри!" лойиҳалари, "Зиёлилар форуми", "Учинчи Ренессанс — маърифатли жамият сари", "Оила — маънавият қўрғони", "Ватан учун яшайлик!" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, "Маърифат соатлари", айниқса, кўтаринки кайфиятда қабул қилинди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Маърифат улашиб" ва "Китоб карвони" акцияларида миллий адабиётимиз дурдоналаридан иборат 17 минг 640 нусха китоб аҳолига бепул тарқатилди.

Бу тадбирларга "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган оилалар, уларнинг фарзандлари иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Аждодларимизнинг илмий, адабий мероси ҳамда уларнинг жасоратини янада кенг тарғиб этиш юзасидан марказ томонидан бир қанча амалий ишлар йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, жорий йилда буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг жасорати, юрт озодлиги йўлидаги курашлари тарихини кенг тадқиқ этиш мақсадида "Жалолиддин Мангуберди изидан" илмий экспедицияси ташкил қилинди. Ўрганишлар асосида Швеция, Туркия, Покистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг етук тарихчи олимлари иштирокида "Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифалари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда самарадорлик ўта муҳим ўрин тутади. Ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашда эса мавжуд ҳолатни тўғри баҳолаш, таъбир жоиз бўлса, ташхис қўйиш амалий ишлар натижадорлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ана шу мақсадда марказ ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти томонидан Чирчиқ шаҳри, Бўка, Янгийўл ва Учтепа туманларидаги 60 та маҳаллада "Ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш ва соғломлаштириш технологияси" лойиҳаси доирасида социологик тадқиқот ўтказилди.

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳанинг истиқболи илм билан боғлиқлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, марказ томонидан "Жадид маърифатпарварлари ғояларидан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш" мавзусида инновацион тадқиқотлар доирасида жадид маърифатпарварларининг 5 та китоби ва уларнинг аудиовариантлари тайёрланиб, "Oyina.uz" электрон порталига жойлаштирилди.

"Буюклар мероси" лойиҳаси доирасида буюк алломалар, мутафаккир олимлар, жадидчилик намоёндаларининг тарбия, одоб-ахлоқ, эзгу фазилатлар ҳамда илм эгаллашга чорлайдиган 58 та эзгу даъвати овозлаштирилди ва шу асосда видеоролик тайёрланиб, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ҳамда "Тошкент метрополитени" ДУК билан ҳамкорликда метро, темир йўл вокзалларидаги LED экранлар ва вагон ичидаги мониторлар орқали кенг ёритилди.

Имконияти чекланган бўлса-да, фойдали меҳнат билан шуғулланиб, жамиятда муносиб ўрин топаётган ва ёш авлодга ўрнак бўлаётган юртдошларимиз эришган ютуқларни тарғиб этишга қаратилган "Инсон қадри" лойиҳаси доирасида 3 та қисқа метражли фильм тайёрланди.

Ёшларни Ватанимизга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашда мустақиллик, Наврўз каби миллий байрамларимиз, давлат рамзларининг катта ўрни бор. Ана шу мақсадда "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам!" лойиҳаси, давлат герби, байроғи, мадҳияси қабул қилинган кунлар муносабати билан ўтказилган оммавий тадбирлар нафақат мамлакатимиз аҳолиси ва ёшлари, балки хорижлик ватандошларимиз, чет элларда таълим олаётган кўп минг сонли ёшларимизни ҳам қамраб олгани қувонарли, албатта.



Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 октябрдаги "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги қарорида соҳаларни ривожлантиришда ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган, фидокорона меҳнат қилган ва самарали натижаларга эришган фуқароларни "Маънавият фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирлаш вазифаси юклатилган.

Жорий йилда ҳудудий давлат органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан 500 га яқин номзод тақдим этилди. Номзодлардан энг муносиб кўрилган 96 нафари "Маънавият фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази тасарруфидаги "Маънавият" нашриёти фаолиятида ҳам жуда кўп ўзгаришлар юз берди. Бир қатор ускуналар капитал таъмирланиб, ишчи ҳолатга келтирилди. Шунингдек, муассасада тайёр китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ жараёнини ташкил этиш, ҳамкор матбаа корхоналарига сарфланадиган маблағларни тежаш мақсадида қўшимча техника харид қилинди. Корхонада китобларни қаттиқ муқовада тайёрлаш цехи иш бошлади. 2022 йилда 60 минг нусхага яқин китоб-альбом, китоблар тайёрланди. Нашриёт матбаа базасида "Тафаккур", "Маънавий ҳаёт", "Муштум" журналлари мунтазам чоп этилмоқда.

Албатта, қилинган ишлар кўп, лекин ҳали қилинишимиз зарур бўлган муҳим ишлар олдинда. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада маънавий тарбия, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасида қатор муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Бу бевосита "жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" масаласидир. Дунё тобора таҳликали тус олмоқда. Таъкидланганидек, **"Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти".** Мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан диёримизда радикализм ва экстремизм ғояларига берилганларнинг бўлиши ҳақиқатда ҳам биз учун уят. Бир қатор давлатларда жамиятнинг турли кўринишларда радикаллашуви, ёшлар онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлаш, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш борасидаги ҳаракатлар қандай фожиаларга олиб келаётганини кўриб турибмиз. Қанча-қанча мамлакатлар жаҳолат, ўзаро низолар, қирғинлар оқибатида вайронага айланиб, тараққиётдан орқада қолаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буюк аждодларимиз дунёни маърифат билан забт этганлар, дунё маърифат дорилфунуни мақомини эгаллаганлар.

Геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали курашиш, айниқса, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бу борада "маънавий қалқон" вазифасини ўтовчи дастурлар қабул қилиш, натижадорликка эришиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Аҳолининг интернетдан фойдаланиш маданиятини муттасил ошириб бориш, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари,ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига эришиш борасидаги ишларни ҳам янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

Аждодларимиз ҳамиша улуғ бир шукроналик билан тинчлик, илму маърифат, поклик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва саховату мурувват, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни, бир сўз билан айтганда, инсоний фазилатлар, ахлоқий сифатларни бебаҳо неъмат дея қадрлаган. Улар ана шундай инсоний фазилатлар асосида улуғ алломалар, маърифатпарвар олимлар, инсонпарвар шоирлар, ҳалол ва виждонли, ўзгалар ҳаққига ҳиёнат қилмайдиган касб-кор эгалари, оиласи ва Ватанининг тинчлиги, шаънини иймон қадар асровчи қалқон мардларни, ибо-ҳаёни энг катта қадрият деб билган нафосат соҳибаларини тарбиялайдиган маънавий маконни яратган. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг энг юксак инсоний фазилатлар ва илму ирфон, маърифат асосида янги маънавий маконни яратиш борасидаги даъвати айнан буюк аждодларимиз қолдирган маънавий-ахлоқий таълимотлар билан уйғундир.

**"Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у — биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир".** Ўйлаймизки, "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобидаги бу улуғ ниятни амалга ошириш борасида 2023 йилда олиб бориладиган ишларимиз янада залварли ва самарали бўлади. Президентимизнинг Мурожаатномаси кириб келаётган "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да барчамизга муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг еткизиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1264. 80849 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz
ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 00:55